

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Тасдикланди»

Ўқув ишлари проректори

_____ доц. Ш. Очилдиев

«__» _____ 200__й.

«Тасдикланди»

«Мещнат таълими» кафедраси

муздри _____ доц. Дусяров Х.Ч.

«__» _____ 200__й.

«ХАЛК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ»

(фанидан маъруза матни)

1-М а ъ р у з а.

Мавзу: Ёгоч уймакорлиги тарихи, мактаблари, усталар ва уларнинг ижодий фаолияти.

Р Е Ж А:

- 1. Амалий санъатнинг тарихий ривожланиш жараёни.**
- 2. Темурийлар даври ёгоч уймакорлиги санъати.**
- 3. Ёгоч уймакорлиги мактаблари ва усталарининг хаёти ва фаолияти.**

Адабиётлар: 3, 4, 5, 6, 7, 12, 14, 16, 22, 24.

Амалий санъатнинг тарихий келиб чиқиши инсониятнинг болалик даврига бориб такалади. Башарият улгайиб борган сари амалий санъат ҳам юксала боради. Яшаш учун кураш мавжуд экан, яхши яшаш учун эҳтиёж кучайиб бориш жараёнида кул меҳнатидан аклий меҳнат ажралиб чиқа бошлаган. Ов қуроллари, уй-рузгор буюмларига булган эҳтиёж кучайиб боради. Аввало тош уймакорлиги, суюқ уймакорлиги, кейинчалик эса ёгоч уймакорлиги ҳам секин асталик билан уз ривожини топди.

Синфий жамият вужудга келиши билан эса, ижтимоий тараккиётда катта узгаришлар содир булди. Бу эса фан ва санъат ривожига катта ахамият касб этди. Халқнинг турмуши, хулқ ва одатлари, ютуғ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида уз ифодасини топиб боради. Хар бир даврда санъаткорлар хаёт гузалликларини тасвирлаб борди, улар тенглик, озодлик, биродарлик ва ёркин келажакка интилиш йулидаги курашга даъват этди.

Археологик казишлар натижасида Сурхон воҳасидаги Юмалок-тепа тубидан топилган ёғоч уймакорлиги мазкур жойларда 1, 1,5 минг йил муқаддам санъатнинг бу турининг яхши ривож топганлигини олимларимиз исботлаб беришди.

Хали-хануз бундай ноёб топилмалар нафақат Сурхон воҳасида, Балхи, Самарканд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Фарғона водийсидаги Сух ва қадимий шаҳар-кишлоқларидан 5-6-асрдаги санъат асарлари топилди.

Чингизхон босқинчилиги туфайли 13-асрга келиб маданий ҳаёт издан чиқди. Урта Осиёдаги Бухоро, Самарканд, Урганч, Балх ва Марв каби шаҳарлар Чингизхон бошчилик қилган мугуллар томонидан остин-устун қилиб ташланган.

Бу вайронагарчиликларга 14-асрнинг иккинчи ярмида А.Темур Урта осий халқларини бирлаштириш орқали чек қўйди. Халқимизнинг маданияти, санъати, шу жумладан ёғоч уймакорлигига уз қурган обидалари орқали ҳисса қўшди. Самаркандга йирик-йирик уста уламоларни туплаб, масжидлар, мадрасалар, саройлар ва бошқа улкан иншоотлар қурдирди.

16-аср архитектура иншоотларининг қуриниши янада такомиллашди, қуриқлар, савдо расталари қурила бошлади. Жомеъ масжидлари сарой типига серхашам қилиб, қишлоқ ва ёзлик қилиб қурилиб, катта айвонлар уйма устунлари ва эшиклари ҳам уйма безаклар билан безатилади.

17-асрга келиб Урта Осиёда авж олган узаро феодал низо ва урушлар Эроннинг Хивага қилган ҳужуми ва бошқалар архитектура ва бадиий ҳунармандчиликка салбий таъсир қўрсади. Қўпгина мусаввир ва ҳунармандлар Хиндистонга Бобурийлар саройига кетишга мажбур бўлдилар. 18-асрга келиб меъморчилик ва амалий безак санъати ривожлана бошлади. Сарой қурилишлари халқ

меъморчилиги композиция услубларидан фойдаланиб ичкари ховли, ховуз, куп устунли айвон, синчли иморатлар курила бошлади.

18-19-асрларда биноларнинг айникса ички кисмини кошин, тошганч ва ёгоч уймакорлиги билан безатилди.

Хивадаги Пахлавон Махмуд макбараси, Кукондаги Дахмаи шохонларни мисол келтириш мумкин. Халкимизнинг ижодкор усталаридан уста Ширин Муродов, Мирхамид Юнусов, Шамсиддин Гофуров, Юнус Али Мусаев, Усмон Икромов, Кули Жалилов, Сулаймон Хужаев, Хайдар Нажмиддинов, Максуд Косимов, Махмуд Усмонов, Абдулла Болтаев, Абдураззок Абдурахмоновлар уз хунарларини мактабда ва мактабдан ташкари муассасаларда ёшларга ургатишни йулга куйдилар. Кейинчалик эса уз услуби, йуналишига эга булган Хива, Самарканд, Бухоро, Тошкент ва Кукон каби йирик ёгоч уймакорлиги мактаблари ривож топди.

-Хива ёгоч уймакорлигининг Ота Полвонов ва Сапо Бокибековнинг ижодий фаолияти алохида урин тутуди. Бу мактаб уймакорлиги накшларнинг майдалиги, замининиг камлиги, новдаларнинг зичлиги билан ажралиб туради.

-Самарканд ёгоч уймакорлигида эса уймаларнинг майдалиги, накшнинг мураккаблиги, усимликсимон гирих ва гулли гирих накшларининг куп ишлатилиши билан ажралиб туради. Ижодкор усталар Абдулхофиз Жалилов, Асатилла, Насурилла, Нурали Нарзуллаевлардир.

-Тошкент мактабининг намоёндаларидан Сулаймон Хужаев, Максуд Косимов, Ортик Файзуллаевлар. Бу мактабнинг фарки уймасининг куп каватлилиги, уртача чукурлиги, ислимли геометрик рамзий накшлари биландир.

-Кукон ёгоч уймакорлиги мактаби щам узига хослиги билан бошка мактаблардан уймакорликнинг махобатлилиги, йириклиги,

уймаларининг чукурлиги ва куп каватлиги билан фаркланади. Усталардан Хайдар Нажмиддинов, Кодиржон Хайдаров.

-Сулаймон Хужаев 1866 йил Тошкентдаги Сузуп ота махалласида яшовчи уста ва дурадгор Насруллахужа оиласида дунёга келди. У ёшчилигида отасига ёрдам берарди. У 17 ёшида уста Искандар Мирзаёкубов устахонасида, сунгра 1891 йилдан ёгоч уймакорлигининг усталаридан бири Тошпулат Аюбхужаевга шогирд тушиб, ёгоч уймакорлигининг сирларини урганди.

Уста С. Хужаев 1913 йил Санкт-Петербург шаҳрида булиб утган Бутунроссия касблари кургазмасида нақшланган курсичаси ва куш кафаси билан иштирок этиб «Бронза медали» ва диплом билан тақдирланади. С. Хужаев купгина кургазмаларда иштирок этди. 1923 йил Россия халқ хужалиги хунармандчилиги кургазмасида, 1927 йил «Халқлар санъати» кургазмасида иштирок этиб, 1-даржали диплом билан тақдирланади. Париж кургазмасида ҳам иштирок этиб С. Хужаев биринчи булиб 1932 йил «Меҳнат қахрамони» унвонини олди.

-Кодиржон Хайдаров 1899 йил Куконлик наққош Хайдар Нажмиддинов оиласида дунёга келди. У дастлаб ишларини отасидан урганди. У кутичалар, стол, курси ва хонтахталарни нафис ва бежирим килиб безаб эл эътиборига тушди. К. Хайдаров дастлаб 1923 йилда Москвада халқ хужалиги кургазмасида хизмат килди. 1925-1929 йиллар Кукондаги Наримонов интернатида тугарак раҳбари, 1929-1931 йилларда ёш дурадгорлар тугарагига бошчилик килди.

Кукон музейида кроват, Тошкентдаги Тарих музейининг эшиги, Халқлар Дустилиги саройининг эшикларини бойитди. Кодиржон Хайдаров 1963 йил Ўзбекистон Халқ рассоми, 1970 йил Республика Хамза мукофоти совриндори булди. Ёгоч уймакорлигининг ислимий ва паргори устаси, ажойиб санъат соҳиб К.Хайдаров Кукон шаҳрида вафот этди.

Таянч сузлар.

1. Тарх-чизма, режа, эскиз.
2. Ислимий-усимликсимон накш тури.
3. Паргор-циркуль.
4. Замин асос-накш безагининг гулдан ташкари.
5. Уймакорлик-уйиб накш солиш касби.

Контрол сузлар.

1. Уймакорлик деганда нимани тушунасиш?
2. Тумурийлар даврида ёгоч уймакорлиги?
3. Ёгоч уймакорлиги мактабларидан кайсиларини биласиз?
4. Сулаймон Хужаев хакида гапириб беринг
5. Кайси мактаб вакиллари уйма юзасини ранглайдилар?

2-М а ъ р у з а.

Мавзу: Техника хавфсизлиги, асбоб-ускуналар ва дастгохларни ишчи холатга тайёрлаш.

РЕЖА:

- 1. Ёгоч уймакорлиги хоналарини жихозлаш.**
- 2. Асбоб-ускуналарни ишчи холатга тайёрлаш ва улардан тугри фойдаланиш.**

3. Дастгохларни ишчи холатга тайёрлаш ва улардан тугри фойдаланиш.

4. Уймани бажариш боскичлари.

(Адабиётлар: 7,8,9,16,17,19,20.)

Кишининг рухий холати узи бажараётган ишида, юмушида уз аксини топмасдан колмайди. Киши рухиятини кутаришда эса хонанинг жихозланиши, кулайлиги, озода ва орасталиги щам мухим ахамиятга эга. Ёгоч уймакорлиги хонасини жихозлашда дурадгорлик хоналарини жихозлашнинг умумий коидаларидан келиб чиккан холда кисман булсада фойдаланиш мақсадга мувофик булади. Хар бир асбоб-ускуналар, хом-ашёлар, кургазмали куроллар, талабаларнинг тайёр ишлари, дастгохлар уз жойига куйилмоги лозим.

Ёгоч уймакорлиги устахонасида бевосита талаба ва укитувчилар фойдаланадиган майдон 50-60 кв. м. булса, хар бир талабанинг иш урнини бир биридан 60 см, каторлар ораси 1 м дан узокликда булса янада харакатланиш кулай булади. Бундан ташкари хонага ёруглик тушишини таъминлаш, бунинг иложи булмаса кундузги ёруглик лампалари ёки стол лампалари билан таъминлаш керак. Ёгоч уймакорлиги устахонасида талаба турли юмушларини бажаришига тугри келади. Жумладан, чизмачилик, наккошлик, дурадгорлик, уймакорлик ва х.к. ишларни ташкил этишда жарохатсиз фаолият курсатишга эришмок учун аввало ускуналарни куздан кечириб чикмокни такозо этади. “Мен бу мосламада ишламоқдаман” деб 2-мосламага эътиборсизлик килиб турли кунгилсиз холатларни келтириб чикариши мумкин.

Иш фаолиятини бошлашдан олдин албатта иш кийимини кийиб олиш зарур. Турли асбоблар билан ишлашда масалан: уймани бажариш учун искана ва болгани ушлаш коидаларига амал килган

холда, яъни исканани бушрок, болгани эса каттикрок сикиб ушлаш зарур.

Дастгохларда ишлашда эса уни юргизишдан олдин барча симлар, узилмаларнинг изоляцияси бутунлиги куздан кечирилади. Акс холда станок ишга соз булмагунча ишлатилмайди. Топилган камчиликлар зарурий мутахасисни ёки устани чакириб тузатилгандан сунгина ишлатишга рухсат берилади. Агарда арралаш, рандаш ва тешишга тугри келиб колса тайёрламани урнатмасдан олдин кескичлар мустахамлигини салт холда текшириб куриш зарур.

Станок юриб турган юриб турган вақтда тайёрламани улчаб куриш станокдан олиш ва яна кайтариб куйиш мумкин. Факатгина бу ишларни станокни учиргандан сунгина бажариш лозим. Станокда ишлаш жараёнида оёк тагида тахта панжаранинг мавжудлиги, станокда химоя воситаларининг бутунлигига эътибор бериш керак.

Иш тартибининг кандай булиши иш урнининг тартибли, озода, тоза саклаш хом ашёларни, тахта, гула пайраха, киринди ва чикиндилар йигишда кулкоп, хокандоз, супирги билан ишлаш зарур. Тахталарни тилишда, йунишда, рандашда, арралашда, тигини ва тишларини уткирлаш, чархлаш киролини тукишда кайроктошнинг харакатланишига эътибор бермок лозим. Киринди ва чикиндиларни бир жойга туплаб куймаслик ёнгин хавфсизлиги коидаларига риоя килиш зарур. Дастгохта ишлашга мавжуд коидаларни узлаштирган ва риоя киладиган талабларнигина махсус дафтарга имзо чеккандан кейин рухсат этилади.

Ёгоч уймакорлигида тахтачаларни уймага тайёрлаб олингач унга мослаб ахша (улгу) нусхасини ва хонани тайёрлаб олинади. Накшнинг хар бир элементини кисмини, турини, гурухини уймида «Оддийдан мураккабга, осондан кийинга» тамойилига риоя килиб бориш лозим. Накшларнинг канака гурухларга мансублиги тайёрланадиган буюмнинг катта ёки кичиклигига караб, дастлаб накшнинг ярим

гажак, новдалари, чизиклари, бандлари балик сиртли искана билан кесилади. Накшлар атрофи тулик кесиб булингач, махсус учи эгик искана билан накшнинг замини уйилиб чукурлаштирилади. Текислашда эса тугри исканалар ишлатилади.

Уймани бажариш давомида хар бир исканани эхтиёткорлик билан уз урнида ва уринли ишлатишни урганиш лозим. Бу эса уйилаётган юзанинг сифатли, куркам ва жозибадор чикишига олиб келади. Исканаларни ишлатиб булгач нотугри жойга куйиш бир-бирига уринтириш асбобни тезда утмас булишига олиб келади ва уймани сифатига путур еткази.

Таянч сузлар.

1. Ахта, улги, нусха-накш ёки расмни когозга чизиб чизик йулларини игна билан тешиб тайёрланадиган андоза.
2. Дасгох-дурадгорлик курилмаси.
3. Салт холат-дастгохнинг иш бажармай ишлаши.

Контрол саволлар.

1. Устахонада хар бир талаба учун канча майдон булса махсадга мувофик булади деб хисоблайсиз?
2. Хар бир талабанинг катор орасидаги масофа канча булмоги лозим?
3. Хар бир талабанинг иш урни бир-биридан канча узокликда булмоги лозим?

3 - М а ъ р у з а.

Мавзу: Меъморчиликда ёгоч уймакорлигининг тутган урни.

РЕЖА:

1. **Кадимий меъморчилик ёдгорликлари.**

2. **Меъморчиликка ёгоч уймакорлигининг кириб бориши.**
3. **Амир Темур курдирган меъморий обидалар ва улардаги ёгоч уймакорлиги.**
4. **16-20-асрларда бунёд этилган меъморчилик обидалари ва ёгоч уймакорлиги.**

Адабиётлар: 3, 5, 6, 9, 10, 12, 13, 16, 21, 24, 27.

Милоддан аввал, хусусан, тош даврида инсонлар Тешиктош каби горларда асосан дарахт шохлари ва похолдан ишланган конуссимон жойларда яшаб келганлар. Ахолининг бир қисми кучманчиликдан утрокчиликка утгач, тош, гувала, пахса ва синчли уйлар курила бошлади. Бронза даврида Ўзбекистон худудининг жануби- Сополлитепада мураккаб меъморчилик ансамбллари вужудга келди. Илк Темир даврига келиб эса, тугри туртбурчак ва айлана тархли калъачалар бунёд қилина бошлади. Масалан: Милоддан аввалги 3-асрларда бунёд этилган иншоатлардан Кизилтепа ва Бандихонтепа тугри туртбурчак тархда қурилган бўлса, Кучуктепа ва Куйкиркилган калъалар эса, айлана тархда мараккаб этиб бунёд этилган.

Грек-Бактрия ва Кушон подшоликлари даврида қурилган саройлар янада хашаматли ва янада мураккаб композицияга эга бўлган бўлиб, марказий зали ёки ховлиси турли мақсадларга хизмат қиладиган куп сонли бинолар билан уралган, áèîî ôàñàäëàðèäà êóî ñííèè óñòóíèè àéâîíèäðäà òóòàø êèèèá êóðèèäàí.

Ñóðõííäàð, âîõàñèäà Òàèîèòàíà êàúðèäàí òííèèäàí (ýðàìèçíèí 5-6- àñðèäðäà ìèä) ёгоч уймакорлиги санъатининг намуналари эътиборга моликдир. Бундан бир ярим минг йилча мукаддам мазкур жойда махаллий ҳуқумдор ҳуқмронлик қилган. Мутахассислар бу жойда улкан санъатга дахлдор нақш уймакорлиги бўлганлигини қайд

этмоқдалар. Бу янгилик диёримизда ёғоч уймакорлиги санъатининг анча олдиндан ривожланганлигини исботлайди.

Куришиб турибдики, Урта Осиё, шу жумладан Республикамиз худудида ҳам 9-11-асрларга келиб маданият яна уса бошлади. 9 асрда Самарканднинг узи мустақил давлат булиб қолиши маданият ва маърифатда янги бурилиш яшашга олиб келади. Шу даврга келиб Абу Али ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Абу Райхон Беруний, Мухаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий каби буюк олимлар, файласуфлар, ёзувчилар, адабиёт ва маданият арбоблари етишиб чиқди. Бу каби алломаларнинг уткир зехни Бухородаги Исмоил Сомоний макбараси, Нарпай тумани Тим кишлоғида Араб ота макбараси, Термиздаги Кирккиз саройи, Фаёз тепа, Навоий туманидаги Мирсаид Бахром макбараси, Навоий шаҳри яқинидаги Султон Саодат ансамбли ва Работи Малик карвон саройи сингари жаҳонга машҳур булган меъморчилик ёдгорликларини қурилишига олиб келди. Шулар ва шу каби асори-атикалар уша даврларда меъморчилик санъати юксак даражага кутарилганлигини, улар бадиий хунармандлар томонидан жозибадор қилиб безатилганлигини кўрсатади. Илк урта асрларда саройлар шаҳар калъасидан ташқарида қурилган, 10 асрларга шаҳар таркибида қурила бошлади. Бухорода калъа олдида, Урганчда шаҳарнинг бош майдонида, Самаркандда эса, шаҳаристонда шундай саройлар бунёд этилди. Сарой меъморчилигида ёғоч конструкцияларидан фойдаланилди.

Кишини хайратга солувчи ва ута нафис, табиий қилиб ишланган ёғоч уймакорлиги намунаси 12-асрга тегишли булиб, у Самарканддаги Шохи-зинда девори орасидан топилганлиги сузимиз исботи сифатида айтиб ўтишимиз мумкин.

Фан ва маданият, адабиёт ва санъатнинг ривожланиб бориши буюк саркарда Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқдир. У ҳукмронлик қилган даврда меъморчилик билан бир каторда амалий

безак санъати хам юксала борди. Хужа Ахмад, Кусам ибн Аббос, Туркан ога, Туглик Текин, Амирзода Али Нафасий макбаралари ёгоч уймакорлиги ва кошин билан жозибадор килиб безатилди.

Амир Темур даврида Самаркандни баландлиги 8 метргача булган девор билан айлантирилади. Шахарни кесиб утадиган Бухоро-Фарғони йулини кенгайтириб савдо-расталари, тимлар курдирди. У узи истило килган улкалардаги энг машхур меъмор ва хунармандларни Самаркандга олиб келиши, шахарда хунармандларнинг гузар ва махаллаларини вужудга келтира бошлади.

А. Темур курдирган иморатларнинг узгача эканлигини, Самарканд ва Кашкадарё вохасини бир-биридан ажратиб Туркистон тог тизмаларида бунёд этилган Оксарой меъморчилик ёдгорлиги мисолида хам куришимиз мумкин. Ушбу обида 20 йил давомида курилган булиб, кукка викор билан кад ростлаб турибди. Оксарой 2 та йирик равоқдан ва бу равоқлар 38 метрдан суг кубба шаклида бирлаштирилган. Хар 2 аркнинг оралиги 22,5 метрни ташкил этади.

16-17-асрларга келиб меъморчиликда иншоатларнинг курунишлари янада такомиллашди, монументал биноларнинг ташки киёфасига узгаришлар киритилди. Шу даврда бунёд этилган Мир араб мадрасаси, Хужа Зайниддин масжид-хонакоси, Чорбакир минораси, Шердор мадрасаси, Бухоро ва Тошкентда бунёд этилган Кукалдош мадрасаларида уша давр ёгоч уймакорлигининг ажойиб намуналари уз аксини топган.

18-19-асрларда монументал биноларнинг айникса, ички кисми кошин, тош, ёгоч уймакорлиги билан безаш давом этди. Шу даврларда Куконда Мадрасаи минор номи билан халк орасида машхур Норбутабий мадрасаси 18-асрнинг охирида бунёд этилди. Дахаи Шохон ансамбли 3 кисмдан иборат: пешток 2 устунли айвон. Масжид Норбутабий ва унинг авлодлари дахмасидир. Унинг якинида хоннинг онаси макбараси Модарихон дахмаси сакланган. Пештокли,

гумбазли бу бинолар сирланган гишт, кошин билан безатилган. Худоёрхон урдасида шаҳарнинг муҳим архитектура ёдгорликларидан, куп устунли килиб қурилган, буяма ва уйма нақшлар билан жозибадор килиб безатилган жомеъ масжиди 19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида қурилган. 1914 йилда эса, Комил кози мадрасаси бунёд этилган.

Амалий безак санъатининг бир қатор турларида маҳаллий услублар шаклланди. Наққошлиқда, ганч ва ёғоч уймақорлигида ислимий нақш ривож топди. Ёғоч уймақорлигида уймаларнинг бажарилишининг янгидан-янги услублари билан устунлар, эшиклар, равоклар ва бошқалар жозибадор килиб безатилди.

Асримизнинг бошларига келиб Хивадаги Кухна Арк, Тошховли, Нуриллабой, Бухородаги Минораи Калон, Исмоил Сомоний макбараси, Самарқанддаги Шердор, Тиллакори мадрасалари таъмирланди, Улугбек мадрасасининг қулай бошлаган минораси қайта тикланди.

Таянч сузлар.

1. Арк - хон турадиган жой.
2. Кошин - деворлар сиртини коплаш учун ишлатиладиган безак материал тури.
3. Кубба - гумбазсимон каварик сирт.

Контрол саволлар.

1. Тарх деганда нимани тушунасиш?
2. А. Темур даврида қандай тархли қалъалар бунёд этилди?
3. 9-11-асрларда қандай асори-атикалар барпо этилди?
4. Куқалдош мадрасаси қайси шаҳарда?
5. Куқонда қандай обидалар барпо этилди?

4- Маъруза.

Мавзу: Уймакорликда ишлатиладиган материаллар ва уларнинг турлари.

РЕЖА:

- 1. Уймакорликда ишлатиладиган ёгоч материаллари.**
- 2. Дарахт турлари.**
- 3. Ёгоч уймакорлигида ишлатиладиган елимлар.**
- 4. Елимланган ёгоч хом-ашёсини уймага тайёрлаш.**

Адабиётлар: 4, 7, 8, 9, 15, 17, 19, 20, 29.

Ёгоч уймакорлиги машгулотларида уймакорликда фойдаланиладиган ёгоч материаллари, уларнинг турлари, физик ва

кимёвий хусусиятлари, захиралари ва бошкаларни билиш мухим ахамиятга эга.

Ёғоч материаллари турли жинсдаги дарахтлардан олинадиган хом-ашё. Бинокорликда, курилишда, мебелсозликда, ёғоч уймакорлигида асосий хом-ашё сифатида ишлатиладиган ёғочлар дарахтлар танасидан олинади. Дарахт танаси узак, ёғочлик, шохлар, тола ва пустлоқдан тузилган. Ёғоч хом-ашёси куйидаги гурухларга булинади:

А) Табиий хом-ашё.

Б) Турли бузилишларга, чиришларга карши антисептик моддалар шимдирилган ёғоч хом-ашёси.

В) Прессланган ёғоч хом-ашёси.

Г) Елимланган ёғоч хом-ашёси.

Д) Катлам-катлам ёғоч хом-ашёси.

Е) Катламли прессланган ёғоч хом-ашёси.

Ё) Пластик ёғоч хом ашёси майдаланган кипик, пайраха ва кириндиларни органик ва минерал боғловчилар билан елимлаб, кайта ишлаб тайёрланади.

Ёғоч уймакорлигида асосан 1-гурухга кирувчи, яъни табиий ёғоч гулаларидан олинадиган тахталар, йунилган хом-ашё ишлатилади.

Ўзбекистонда ёғочларнинг юмшок, каттик ва жуда каттик гулалари олинадиган нина баргли ва япрок баргли турлари мавжуд.

Дарахтлар буйига караб 3 гурухга булинади.

- 1, 35м.дан баланд - чинор, терак, тут, карагай, кора кайин.
2. 25-35 м.гача - кайрағоч, ёнгок, ок кайин, тол, катранги.
3. 25 м.гача - заранг, четан, ишмурут, мевали дарахтларга ва буталарга булинади.

Нина баргли дарахтлардан олинадиган ёғочлар курилишда, жумладан, ёғоч уймакорлигида купрок ишлатилади, чунки уларнинг таркибида смоласи купрок, тез чиримайди, тахтаси

тугри, узун, силлик, ишлов бериш осон хисобланади. Уймакорликда ишлатиладиган ёгочлар рангига, хилиги, турига, табиий гулига, товланишига караб танланади ва турли мевали, шу билан бирга япрок баргли дарахтлар ҳам ишлатилади.

Ёгоч уймакорлиги ясаётган буюмига караб ёгоч матариалларнинг хусусияти дарахтларнинг турлари, ранги, ишлов беришнинг кийин осонлиги ва ишлов берилгандан кейин буюмларнинг сифатли чикиши ва сакланишини билиш учун ёгочлар олинадиган дарахтларни урганишларига тугри келади.

Таянч сузлар.

1. Арк-хон турадиган жой.
2. Кошин-деворлар сиртини коплаш учун ишлатиладиган безак материал тури.
3. Кубба-гумбазсимон каварик сирт.

Контрол саволлар.

1. Тарх деганда нимани тушунасиз?
2. А. Темур даврида кандай тархли калъалар бунёд этилди?
3. 9-11-асрларда кандай асори-атикалар барпо этилди?
4. Кукалдош мадрасаси кайси шаҳарда?
5. Куконда кандай обидалар барпо этилди?

5 - М а ъ р у з а.

Мавзу: Замонавий иншоатлар, улардаги ёгоч уймакорлиги ишлари, усталарнинг хаёти ва фаолияти.

Р Е Ж А:

- 1. Миллий хунармандчилигимизни янада ривожлантириш максадида кабул килинган Конун ва Фармонлар, улар-нинг ижроси.**
- 2. Мустакиллимиздан кейин бунёд этилган иншоатлар.**
- 3. Хотира ва кадрлаш мажмуи ва унинг тарихи.**
- 4. Хотира ва кадрлаш мажмуида ёгоч уймакорлиги санъатининг кулланилиши.**

Адабиётлар: 1, 2, 10, 15, 19, 26, 31.

Ватанимиз Мустакилликка эришгандан сунг хар жабхада ижобий узгаришлар, юксалишлар сари бораётганимиз кувончли холдир. Миллий кадриятларимизни тиклаш, узлигимизни англаш, ота-боболаримиз колдирган бой меросини кадрига етиш ва улардан уз хаётимизда, фаолиятимизда унумли фойдаланиш, уларнинг рухи хар доим бизга мададкор эканлигини кайд этишимиз жоиз булмаса керак. Чунки бугунги кунга келиб Хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган бир катор хайрли ишларни таъкидлаб утиш киши рухиятида фахрланиш туйгусини уйготади.

1997 йил 29 август куни Олий Мажлиснинг навбатдан ташкари 9-сессиясида кабул килинган «Таълим тугрисидаги» Конун ва «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» каби Фармонлари ёшларни миллий ифтихор, миллий гурур туйгулари билан тарбиялашга каратилган десак муболага булмайди. Мустакилликка эришганимиздан кейинги йилларда нафакат таълим, савдо-сотик, фан ва техника, балки, миллий хунармандчилигимизда хам салмокли ютуқларга эришмоқдамиз. Миллий ханармандчилигимиз хаттоки, давлат сиёсати даражасига кутарилиб, унга алохида эътибор билан ёндошаётгани бугунги кунда сир эмас.

Ота-боболаримиздан мерос булиб колган обидалар, асори-атикаларни кайта таъмирлаш, уларга кайтадан жон, жозиба ва гузаллик бахш этиш, колаверса биздан узоклаштирилган, умуман бегонага айлантириб куйишга килинган харакатлар оралигидаги пардалар кутарилиб хакикат яна кайта каддини ростлади. Яна уз юртига Алпомиш, Ал-Бухорий, Ал-Фаргоний, Амир Темур ва яна куплаб бизнинг бобокалонларимиз кайтишди. Уларнинг рухи покларини шод килиш, колаверса кейинги авлодларга етказиш

максадида курилган бетимсол ёдгорликлар, асори-атикалар фикримиз –нинг ёркин далилидир. Биргина Тошкент шаҳрида миллий услубда барпо этилган бундай иншоотларни куплаб учратишимиз мумкин. Темурийлар Давлат мезеи, Олий Мажлис биноси, Тошкент шаҳар Хокимлиги, катор бозорлар ва савдо расталари, маданият ва истирохат боғлари шулар жумласидандир.

Меъморий ёдгорликлар бунёд этилган Хотира майдони ана шундай мажмуалардан биридир.

Ушбу мажмуа миллий ханармандчилигимизнинг ёгоч уйма-корлиги билан безатилган булиб, бир-бирига карама-карши айвондан ташкил топган. Хар икки айвонда хам 21 тадан уйма устун урнатилган. Устунларнинг 17 таси бир каторга урнатилган булиб, мархумларнинг номлари зикр этилган зархал китоблар урнатилган айвон деворининг икки томонига 2 тадан 4 та уйма устун урнатилган Республикамизнинг хар бир вилоятлари, Тошкент шаҳридан урушга кетган жангчиларнинг номларини зикр этиш билан бошланган. Устунлар уймаси бир каватли ислимли накшлардан ташкил топган. Пардоз турининг чока ва табака турларидан унумли фойдаланилган. Накш композициясини асосан бандлар ва гурлар ташкил этади. Кейинги булимлар Хоразм ва Тошкент вилоятларига ажратилган булиб, накш композицияси узига хос булсада, уймани бажариш ва пардозлаш турлари деяри бир хил услубда бажарилган. Сурхондарё ва Сирдарё булимлари эса узига хос булиб, уймасининг чукурлиги, накш композициясининг барглар, баргли гуллар ташкил этади. Чока ва табака пардоз турларидан унумли фойдаланилган.

Самарканд ва Кашкадарё булимларида хам аввалги булимлардаги каби накш композицияси барглар ва баргли гуллардан ташкил топган булсада, пардоз турларининг пах, лула ва табака турларидан кенг фойдаланилган.

Айвоннинг 2-томонида Коракалпогистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Фаргона, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоятлари булимлари жой олган булиб, хар бири узига хослиги билан ажралиб туради. Коракалпогистон Республикаси, Андижон ва Бухоро вилояти булимларидаги устунлар 1 каватли уйма, хам заминли унча чукур булмаган ва накшнинг ислимий туридан ташкил топган. Колган булимларда 2 каватли уймадан ута нозик дид билан фойдаланилган булиб, накш композициясини асосан баргли ва баргли гуллар ташкил килади. Пардознинг барча турларидан унумли фойдаланилган.

Куришиб турибдики, замонавий иншоатларда кулланилаётган санъат турлари ва айнан Республикамизнинг бош майдонидаги бундай ёдгорликни факат ёгоч уймакорлиги билан безатилиши ушбу санъат турининг бугунги кунда гуркираб ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Ёгоч уймакорлигининг бугунги кундаги бундай ютукларга эришувида бир канча шогирдларнинг устози, 1973 йилдан Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Узбекистонда хизмат курсатган маданият ходими Ортик Файзуллаевнинг кушган хиссаси бекиёсдир.

О. Файзуллаев 1933 йил 1 майда Тошкентда тугилган. Унинг мусикага, шеъриятга ва амалий санъатга кизикиши 1952 йилда П. П. Беньков номидаги Бадиий билим юртига бошлаб келди. Билим юртида таникли ёгоч устаси, уймакор Максуд Косимов кулида тахсил олди. О. Файзуллаев 1957 йилда ёшлар фестивалида иштирок этиб, узининг курси, кутича ва бошка санъат асарлари билан иштирок этиб, «Жахонга тинчлик» панноси учун «Фестивал лаурияти» унвонини олди. У уз устида тинмай ишлади, изланди. Бугун унинг натижасида у «Узбекистон» меҳмонхонасини, «Мовий гумбазлар» иншоатини безашда фаол иштирок этди. О. Файзуллаев яратган куплаб кутичалар, панжараю дераза ширамлари нозик дид ва нафис безатилган булиб, улар нафакат Республикамизда, балки, жахоннинг

80 дан ортик - Япония, Германия, Польша, Туркия ва Финландия каби куплаб мамлакатлар мезейидан доимий экспонат сифатида жой олган.

Таянч сузлар.

1. Васса, токи - ярим доирали гулачалар.
2. Мукарнас - гумбаз, ярим гумбаз, мехроб, устунларнинг юкори кисмини безашда ишлатиладиган безак.
3. Панно - хонани безатиш учун ишлатилади.
4. Ширма, тусик - хонани булиш учун махсус йигма парда, девор.

Контрол саволлар.

1. Миллий хунармандчилигимизни ривожлантириш мақсадида Хукуматимиз томонидан қандай Қонун ва Фармонлар қабул қилинган?
2. Мустақиллигимиз қулга киритилгандан сунг қандай иншоотлар бунёд этилди?
3. Хотира ва кадрлаш мажмуи тугрисида нималарни биласиз?
4. О. Файзуллаевнинг санъат асарлари хақида нималарни биласиз?

6 - М а ъ р у з а.

Мавзу: Буюм учун накш композицияси чизиш ва уйиш, пардоз турлари ва пардозлаш йуллари.

Р Е Ж А:

- 1. Буюм улчамини олиш ва унга мос накш турини танлаш.**
- 2. Композиция тузиш.**
- 3. Буюм учун ахта тайёрлаш.**
- 4. Ёгоч уймакорлигида ишлатиладиган асбоблар ва уймани бажариш боскичлари.**

Адабиётлар: 4,6,7,8,9,10,15,17,18,20,21,25.

Накш композицияси тузишдан олдин, ясалган буюмнинг улчамини аник улчаб олиш буюмни сифатли ва янада жозибадор чикишда мухим ахамият касб этади. Буюм улчамини олишда эса турли асбоблардан фойдаланилади. Масалан: Турли бурчакли ва тугри чизгичлар, резина, транспортир, рейсфедер, паргор (циркуль) ва бошка бир катор асбоблар керак булади.

Буюм улчами аник улчаб олингандан сунг буюм учун кандай накш композицияси тузилса буюм янада куркамрок, гузал ва жозибадор чикишлигини куз олдига келтирган холда фикр юритиш

лозим булади. Бунда композиция тузувчининг дунёкараши, фикр юритиш (лозим булади), энг мухими унинг нозик табиатлиги ва дидининг юкори даражадалигига боғлиқ булади. Демак бир тухтамга келгач хитой коғозига нақш композицияси чизилади.

Композиция чизишдан олдин бир нарсага аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ булади, яъни буюмнинг кандай материалдан тайёрланганлигини эътиборга олиш жоиз булади. Юмшок материалдан олинган булса йирикрок, каттик материалдан олинган булса, майдарок, мураккаброк нақш турларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбек халқ усталари қадимдан куллаб келаётган жамики нақшлар борки улар табиатни ва воқеликнинг шартли тасвири булишига қарамасдан узига мос қонун-қоидаларга эга. Бу қонун-қоидалар табиатнинг айнан узидан рамзий тарзда олинган. Одатда усимликлар бир томонга қараб усади, бу табиат қонунидир. Масалан: мажнунтол мисолида қурадиган булсак, мажнунтол худди пастга қараб тесқари усаётгандек туюлсада, лекин, ҳақиқатдан эса, у илдиздан тана, танадан новда, новдадан барг булиб, бир томонлама йуналишга қараб усади. Табиатнинг бу қонуни нақшда ҳам уз аксини топган.

Наққош уста чизадиган нақш композициялари шунчаки коғоз бетини тулдириш ёки уйма юзини уйиш учун эмас, балки, онгли равишда табиат ва бадиийлик қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда нақш композициясини чизиш тушинилади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда уймакор устанинг ижодий жараёнидаги энг қийин ва энг маъсулиятли босқич нақш композициясини (табиат қонунларига зид равишда) нусқасини чизишдан иборатдир. Агарда нақш композицияси нусқаси табиат қонунларига зид равишда тузиладиган булса у ҳолда уйишда ҳам, пардоз беришда ҳам ҳар қанча ютукка эришилсада иш қунгилдагидек гузал ва жозибадор чикмайди.

Дафъатан караганимизда уйма накш жуда чиройли, гузал ва жозибадор курсатсада лекин бир оздан сунг накш композицияси тузишда куйилган хато ва камчиликлар, нуксонлар яккол сезилиб колади.

Композиция нима узи?

- **Композиция** - лотинча суздан олинган булиб, тукиш, бир - бирига маълум тартибда жойлаштириш, солиштириш маъносини англатади. Композиция ишлашда ритм, симметрия, ассимметрия, компоновка, даврий такрорланиш, марказ топиш, безакнинг динамиклиги, табиийлиги, чиройлилиги ва пардозларнинг бир-бирига уйгунлиги каби компонентларини уз ичига олади.

- **Компоновка**, яъни жойлаштириш, чизиш керак булган накш композициясини ёки бирор юзага тугри жойлаштириш демакдир.

- **Симметрия**-грекча суздан олинган булиб улчовнинг бир-бирига муносиблиги тушинилади.

-**Ассимметрия**-композицияда симметрик конун-коидалар мувозанатининг бузилишидир.

- **Ритм**-Накш композициясининг маълум бир кисми маълум бир масофада доимий равишда бир текисда такрорланиб келиши булиб, накшдаги харакатнинг узлуксиз ва гузал куринишини таъминлайди.

- **Стилизация**-табиатдаги усимлик, хайвон ва бошкаларнинг тасвири, расмти, шакли тузилишини бадий усулда умумлаштиришдир.

Накш композицияси чизишда куйидагиларга эътибор каратиш ва амал килиш керак булади:

Биринчидан, таноб ёки новда тагида гул, гунча ёки баргни колдириб тасвирлаш мумкин эмас.

Иккинчидан, таноб билан новдани фарклар тасвирлаш.

Учинчидан, таксимда ортикча накш элементларини чизишга йул куймаслик.

Туртинчидан, танобдан хеч қачон гул, новда, гунча ва бошқаларни ушиб чиккан холда тасвирламаслик.

Бешинчидан, накш элементлари нисбатини саклай билиш.

Олтинчидан, тузилган накш композициясининг ёғоч уймакорлигига мослаб тузилиши.

Еттинчидан, накш зичлигига эътибор.

Саккизинчидан, накш орасидаги замин бушликлар нисбатини саклаш ва бошқаларни эътибордан четда қолдирмаслик жоиз булади.

Тузилган накш композициясини калька (хитой коғози ёки шаффоф коғоз) га қучириб ахита (улги) тайёрланади.

Ахита тайёр расмни шаффоф коғозга қизиби, қизик улканларини игна санчиби, буюм юзига тушириш учун тайёрландиган андозадир. Илк даврда уйма юзасига мулжаллаб тугридан-тугри қизиби, уйиб кетганлар. Кейинчалик эса ахта орқали тасвирини тушириш қулайлигини сезишган ва ундан фойдаланиб келганлар.

Ахта тайёрлаш учун буюмнинг уйма бажариладиган юзасига мулжаллаб юпка шаффоф коғоз олинади. Накш композициясига қараб, мослаб симметрия уқи бўйлаб шаффоф коғозни иккита, туртта ва бўкланади. Бўқилган шаффоф коғознинг юмшок ёстик устига қуйиб накш қизиклари устидан игна билан тешиб қикилади. Накшнинг йирик майдалигига қараб игна танланади ва игна тешиги оралигинакшнинг йирик ёқи майдалигига қараб тешиб қикилади. Тешилган нусха тайёр бўлгандан сунг, шаффоф коғоз ёзиб юборилади ва бир бутун композицияни қуриш мумкин булади.

Ёғоч уймакорлигида асбоблар икки турга бўлинади. Яъни накшни уйиш учун «Уйма қаламлар» ва иккинчи «накш қаламлар» дир.

-Исканаларни шакли ва бажарадиган ишига қараб уларнинг бир қанча турлари мавжуд булади. Масалан: а) тугри искана, б) новда искана, в) нов искана, г) замин искана, д) балик сиртли искана, е) моркеч искана, ж) чекма искана, з) қуракча искана ва ҳақ.

Уймакорликда ишлатиладиган исканалар махсус асбоб тайёрлайдиган чилангар усталар томонидан тайёрланади.

Ёгоч уймакорлигида 6 та пардоз тури мовжуд булиб, улар 1-киркма, 2-чизма, 3-пах, 4-чока, 5-лула, 6-табакалардир.

Пардоз турлари иккига булинади : оддий ва мураккаб.

Таянч сузлар:

- 1.** Занжира - узлуксиз богланиб кетган накш тури.
- 2.** Заргарлик - олтин, кумушдан зеб-зийнатлар ясовчи бадий хунармандчилик тури.
- 3.** Хитой когози - калька, шаффоф когоз.

Контрол саволлари:

- 1.** Буюм улчамини олишда кандай асбоблардан фойдаланилади?
- 2.** Композиция сузи кандай маънони билдиради?
- 3.** Ритм ва компоновка нима?
- 4.** Уймани бажаришда кандай асбоблардан фойдаланилади?
- 5.** Исканаларни ноларини биласизми?

7- Маъруза.

Мавзу: Дуппи турлари ва тайёрланиши.

РЕЖА:

1. **Узбекистонда дуппичилик санъати.**
2. **Дуппиларга безак чокларининг берилиши.**
3. **Дуппиларни тикишда ишлатиладиган асбоблар.**

Адабиётлар: 2, 12, 28, 33, 35.

Дуппи-бош кийими, бошни салкиндан, куёш нуридан химоя килади. Узбекистон шароитида куп кийилади. У 3 қисмдан: тепа, кизак ва жияқдан иборат. Ана шу қисмлар қандай материаллардан, қай тарзда тайёрланиши, безатилиши, тикилиш услуби ва усулларига қура фаркланади. Турли жойларда шу ерга хос усул ва услубда тайёрланганидан, дуппилар, қупинча шу ернинг номи билан машхур булган.

Угил болалар ва эрқаклар қиядиган Тошкент, Чуст, Маргилон дуппилари сиполиги туфайли кенг тарқалган. Токент дупписи сидирга рангли тақир бахмалдан тайёрланади. Тошкент дупписининг 2 хили: тепаси думалок ва учбурчаксимон тахланадиган хили мавжуд. Бу дуппиларнинг тепа ва кизакларини дичишда одатда андозадан фойдаланилади. Қартон ёки қалинрок қозга паргор ёрдамида доира қизилади. Агар 54-размерли дуппи тикиладиган булса, доиранинг диаметри 20,5 см. булиши, демак доиранинг марказидан четгача 10 см. 3 мм. Қилиб паргорни мустақамлаб олиш қерак. Дуппининг хар бир размери ортган сари паргор 2 мм. кенгайтирилиб қорилади. Кейин доира тугри қизик билан тенг 4 га булинади. Бу қизиклар доира четида тугри қизик билан туташтирилиб, квадрат

хосил килинади. Квадратдан ташкарида колган ёйсимон кисм 3 га булинади. Энг четда колган 2 кисм киркиб ташланади.

Тева андозаси авра ва астар учун мулжалланган матолар устига куйиб бур ёки калам билан чизилади. Астар аврага нисбатан сал кенгрок килиб киркилади.

Кизак эни 4 см. узунлиги 56 см. ли лента тарзда бичилади. Бунда тикиладиган дуппининг бошга мос тарзда чукуррок ёки яссирок булиши мумкинлигини инобатга олиб, кизак эни энлирок ёки энсизрок булишига ахамият бериш керак. Тева авраси астарга хомаки кулаб чикилади. Тева марказдан четга томон бир меъёрда чокланади. Чоклар орасига пилта тикилади. (Пилта пахтадан ёки коғоздан куйилади). Пилта кулай тикилмоғи учун дастлаб пилтакач учига коғоз ёки пахтани ситилмайдиган килиб ураш керак. Пилта дуппи тепасининг ярим шарсимон шаклга киришига хизмат килади, пилта канча куп ва йугон тикилса дуппи шунча чукур булади.

Тева пилталанганидан кейин кизак авраси астарига кулаб хомаки тикиб чикилади, пилта учун чок тикилади. Кизак пилтакачда икки ёндан пилталанади. Кора ёки жигарранг бахмалдан жияк тайёрланади. Бунинг учун эни 3-3,5 см. келадиган лента килинади, энлама икки булаб дазмолланади. Орасига калин коғоз ёки намга чидамли коғоз куйиб тикилади, сунг кизакка бириктирилади. Нихоят кизак тевага уланади. Дастлаб хомаки кулаб чикилади, сунг олдин авра кейин астар томонидан бириктирилади, кизакнинг ён томонлари ҳам бир-бирига уланади.

Тошкент дупписининг учбурчаксимон тахланадиган хилини тикиш учун тепани 4 кисмга дазмоллаб букиладиган чизиклар хосил килинади. Сунг шу чизикларнинг 2 ёнидан бошлаб ичкарига томон чоклаб чикилади, пилталанади. Тева карчларининг карама-карши 2 таси аврага томон букилади. Кизак ён томондан пилталангандан кейин тенг 4 кисмга булиб, нам доқа устида дазмолланади, тева

бириктирилади. Тикилиб булганидан кейин дуппи астар томондан суюк елим суркаб пресслаб куйилади, куритилади.

Бундай Тошкент дупписининг тепа ва кизак кисмларига нозик кашта тикиладиган хили щам бор, уни кизлар кийишади.

Бухоро дупписи тепа кисмининг чукур ва учли булиши, жияги йурма тикиб махсус тайёрланиши билан тошкент дуппиларидан фарк килади.

Чуст дупписининг андозаси щам Тошкент дупписи андозасидек тайёрланади, шакли хам букланадиган Тошкент дупписига якин Чуст дупписи кора, яшил, жагарранг ва сатиндан тайёрланади. Учбурчаксимон силлик тахланиши карчларга-кисмларга ажратиладиган чизикларнинг буртиб туриши, кашта тикиб безатилиши фаркланади.

Маргилон дупписи Чуст дупписидан ажралади. Ок ипак билан йурмак чокида гул тикилади. Накш-гул буртиб туриши учун йугон хом ипак тушалади. Тепанинг марказидан четга томон чокланиб, тепа пилтакач ёрдамида когоз ёки пахтадан ингичка пилта тикилади. Кизак хам кашта билан безатилади. Дастлаб кизак тепанинг 4 та кисмига мослаб 4 га ажратилади ва хар бир кисмида жиякка туташтирилган чизик буйлаб тунтарилган ярим шар шаклида 4 тадан гул тикилади. Кейин астар уланиб гул устида 2-3 кат пилта узун чок тикилади, икки ёнидан кизак пилтакач ёрдамида пилта тикилади. Шундан кейин кизак каттик кора материалдан тентасимон киркиб тайёрланган ёки махсус тикилган лентадан орасига картон куйиб тайёрланган (1,5 см.) жиякка уланади. Кизак тепага бириктирилади. Тикилган дуппи учбурчаксимон шаклланиб астар томондан намланади ва пресслаб куйилади, бирор соатдан кейин астар томондан суюк елим суркалади, яна пресслаб куйилади.

Чуст ёки Маргилон дуппилари усулида бахмалдан тайёрланган (ироки) дуппиларни кизлар хам киядилар.

Дуппи кисмларини ироки кашта билан безатиб тайёрланган ироки дуппилар щам кенг таркалган.

Тошкент дуппилари кир булгач ювилади, бироз куритилгач намлигида прессланади ва астар томондан суюк елим суркаб пресслаб куйилади, куригач кейин кийилаверади. Чуст ва Маргилон дуппилари ювилмайди, химчисткага ьериб ёки химчистка усулида уй шароитида тозаланади. Дуппини чангдан ва намдан саклаш керак. Кийилмаган пайтларда тахлаб ураб куйиш керак. Тахланмайдиган дуппиларни эса дока ёки ок когозга ураб осиб куйиш тавсия этилади.

Таянч сузлар.

1. Кизак - турт бурчи.
2. Жияк - пастки гулли кисми.
3. Пилта - когоз ёки пахта куйилиб тикилиш.

Контрол саволлар.

1. Дуппининг размери кандай аникланади?
2. Дуппи тикишда кандай асбоб ишлатилади?
3. Бухоро, Чуст дупписи ва Маргилон дуппиларининг бир-биридан фарки нимада?

8 - Маъруза.

Мавзу: Каштачилик, кашта турлари ва тарихи.

Р Е Ж А:

1. Кашта - безак санъати тури.
2. Халқлар орасида кашталарни тикилишининг бир-биридан фарқи.
3. Узбек каштадузлигида чокларнинг хилма-хиллиги.

Адабиётлар: 2, 8, 13, 20, 28, 35.

Турли ранглардаги ип, игна, илмокли бигиз билан мато, трикотаж, чарм, кигиз, картонга кулда ёки машинада гул, накш, тасвир тикилади. Кашта кийимлар ва буюмларни безашда, хамда рузгор безак буюмларини тайёрлашда кадимдан кулланилади. Кашта ипак, пахта, жун, зигир, сунъий толалардан тайёрланган иплар майин сим, зар ип, хом чармдан энсиз килиб тайёрланган тасмаларни тикиб мунчок, маржонлар, нодир ва кимматбахо тошлар, рангли табиий ва сунъий оддий тошлар ва рангли шишалардан ишланган мунчоклар кадаб тайёрланади.

Хар бир халкнинг каштадузликда кадимдан ривожланиб келаётган уз анъаналари, бадий услублари мавжуд. Хамма халкларда щам каштадузларнинг асосий иш куроллари, игна, илмокли бигиз, ангишвона, кайчи, тугногич ва чамбаракдан иборат.

Чамбарак ёгоч тахтадан доира, квадрат ва тугри туртбурчак шаклида тайёрланади. Кашта тикишдан аввал кашта тикиладиган мато, кигиз, чарм ва шу кабиларнинг калин-юпкалиги, тикиладиган кашта характерига караб ип хамда игна танланади. Кашта тикиладиган бигиз илмокли ёгоч дастали булади.

Чарм ва кармонга кашта тикиладиган булса, игнани кийналмай утказиш учун илмоксиз бигиз билан тешиб туришга тугри келади.

Тикиш кулай булиши учун катим узунлиги 50-60 см. дан ортик булмаслиги, кайчи эса кичкина ва учли булиши керак. Чамбаракдан фойдаланилаётганда ангишвона шарт эмас. Кичик кашталарга доира чамбарак кулай. Каштанинг купгина турларига чамбарак шарт эмас. Кашта тикишда усул ва услубларга эътибор бериш лозим.

Кашта тикишда андоза ва хар хил нусхалардан кенг фойдаланилади. Каштага танланган гул ва тасвир, катталаштириб ва кичрайтириб олинади.

Тасвирни андозадан матога кучиришнинг жуда куп усуллари бор.

1. Когозга чизилган гул чизиклари устидан игна билан бир меъёрда тешиб чикилади, кейин андоза мато устига куйилади ва матонинг рангига караб курум, кумир, гишт ёки бур кукуни сепилади.
2. Нусха кучириладиган когоздан фойдаланилади.
3. Мовут, бахмал, жилоли шойи каби матоларга андоза куйиб, накш ва гуллари устидан куклаб чикилади, сунгра когоз йиртиб ташланади.
4. Юпка матоларга нусха кучиришда шиша тахтаси устига андоза, унинг устига мато куйиб, кейин лампага тутилади куринган тасвир кора калам билан чизиб чикилади.

Узбек каштадузлиги кушни улкаларнинг халклари каштадузлиги таъсирида асрлар мобайнида бойиган, ривож топган. Узбек кашталарида форс-тожик, козок, киргиз, туркман, афгон, хинд, хитой, рус каштадузларининг кашта усул ва услублари учрайди, Узбек кашталарида геометрик шакллар, усимликсимон накш ва гуллар куп кузга ташланади. Козок, киргиз накшларида молнинг шохини эслатадиган куп.

Урта Осиё халklarининг каштадузлиги кадимдан урганилиб, ривожланиб, унинг уз усул ва услублари мавжуд. Кулда тикиладиган каштанинг 2 тури мавжуд.

1. Безатиладиган матонинг аркок урни ва уриш ипларини санаб кашта тикилади.
2. Матога гул, накш, тасвир, чизилиб кашта эркин тикилади.

Эркин кашта хар кандай матога чизилиб тикилаверади.

Рус каштадузлигида купрок ёстикжилд, курпажилд, сочикларга кашталар тикилади.

Ўзбек каштадузлигида йурма, илма, илмок, ироки, босма, чинда хаёл, хомдузи, чамак ва бахя чоклари кенг таркалган. Йурма чоки илмокли бигиз ёки игна билан матонинг унг томонида халklar занжири, тескари томонида эса, тугри чизикчалар хосил килиниб тикилади. Бу чок машинада ҳам тикилади, машина чоки попур номи билан машхур. Йурма чоки билан купинча жияклар безак буюмларининг хошиялари тикилади. Самарканд, Бухоро, Кашкадарё областларида кашталарнинг асосий кисми шу чокда тикилади.

Илма чокнинг 2 тури мавжуд:

1. Илма бир тарафа.
2. Илма икки тарафа.

Илма бир тарафа чоки горизантал йуналишда чапдан унга ёки юкоридан пастга тикилади. Айланасимон ҳам тикиш мумкин.

Илма икки тарафа чокининг икки хил усули мавжуд. Биринчи хили бир томони чапдан унга халка килиб тикилади. Иккинчи хили ип утказилган игна газламанинг унг томонидан кадаб ётик чизик буйлаб чап томондан сугуриб олинади.

Илма чоки-тикилиш усули игна билан тикиладиган йурма чокига якин, ёнма-ён икки каторда санчилиши билан йурма чокидан фаркланади. Бу чокни дуппилар тикишда купрок ишлатилади.

Ироки чоки икки хил булиб кашта бутун ва ярим хочлар тизмасидан ташкил топади. Чокнинг икки тури мавжуд: улар терма ироки ва ироки деб аталади.

Терма ирокининг ҳам икки хили мавжуд.

1. **Санама ироки.** Бу тикишда ипларнинг олиниси санаб олинади.
2. **Чизма ироки.** Бу ирокилар матога чизилган накш ва гуллар устида тикилади.

Ирокининг бошка турларида матога ип тушалиб, у майда чоклар билан бир текисда кесиб чикилади, кейин унинг ёнига яна ип тушалиб шу тарзда кесиб тикиб чикилади.

Босма чок. Бу чоклар тик ёки ёпик тушалган ип устидан майда килиб бостириб чикилади.

Таянч сузлар.

1. Чок-тикиш тури.
2. Андоза-намуна.
3. Чамбарак-кашта тагига куйиладиган материал.

Контрол саволлар.

1. Каштадузларнинг асосий иш куруллари нималардан иборат?
2. Чамбаракнинг вазифаси нима?
3. Узбек каштадузлигида қандай чоклардан фойдаланилади?
4. Чуст дуппиларини безатишда, тикишда қайси чокдан фойдаланилади?

9 - М а њ р у з а.

Мавзу: Миллий кийимлардан чапон ва унинг турлари.

Р Е Ж А:

1. Чапонлар кайси материаллардан тайёрланади.
2. Чапон бичиш ва унинг размерлари.
3. Чапонни тикиш усули.

Адабиётлар: 2, 8, 13, 18, 26, 28, 33, 35, 36.

Чапон (тун) сатин, чийдухоба, купинча бекасамдан тикилади. Хозирги вақтда янги-янги материаллардан тикилмоқда. Чапонни тайёрлаш билан халкимиз жада қадимдан шугулланиб келишган. Чунки чапоннинг узига хос хусусиятлари мавжуд.

- А) Йилнинг хохлаган фаслида кийиш мумкин.
- Б) Кийиш қулай кишини иссиква совуқдан саклайди.
- В) Миллий кийим саналади.
- Г) Турли хил шамоллаш ва касалликлардан саклайди.
- Е) Тунлар туй, маросим ва ҳар хил марака кийим ҳисобланади.

Республикамизнинг турли вилоятларида турлича тунлар тикилади. Тошкент ва Фарғона водийсида чийбахмал тунлар купрок

кийилади. Сурхондарё ва Кашкадарё вилоятларида кишилар бекасам ва мушкизафар материаллардан тун кийишади. Халкимиз орасида чапон миллий кийим саналиб, азиз меҳмонлар учун якин дустларга сарпо сифатида ёпилган. Тун тайёрлаш асосан куйидаги боскичларда олиб борилади. Авраси асосан 6-кисмдан иборат килиб бичилади.

1. Орка буйин (тугритуртбурчак шаклида яхлит булак.)
2. Олд буйи (икки кисмдан иборат: унг ва чап буйи.)
3. Ён (икки кисмдан иборат унг ва чап ёнлар.)
4. Чалги (икки кисмдан иборат унг ва чап чалгилар.)
5. Ёка (яхлит бир булак.)

Булардан ташкари култик остига тикиладиган квадрат шаклида 2 та кулфак ҳам бичилади. Чапоннинг ҳамма кисмлари бичилаётганда тугри чизик килиб тик қиркилади. Ёкаларда кукракка узаро боғланадиган 2 та камарча ҳам ип ёки ипақдан тайёрланади.

